

АГРОКЛАСТЕРЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ
ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИГА МОСЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Қодиров Абдурашид Маджидович –
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари» ИТМ, сектор мудури, и.ф.д., проф.

Ахмедиева Алия Тохтаровна –
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари»
ИТМ, и.ф.н., доц., катта илмий ходим

Анотация. Мақолада глобаллашув янада кенгайиб бораётган, дунё мамлакатларининг иқтисодиёти ўзаро алоқадорлиги ошиб бораётган, ресурсларга ҳамда сотиш бозорига бўлган глобал рақобати кескинлашиб бораётган шароитида кластер модели иқтисодиётнинг, жу жумладан аграр соҳасининг фаолият кўрсатишининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: Миллий иқтисодиёт, агрокластер, хориж тажриба, рақобатбардош, иқтисодиёт, модернизация, концепция, инновация, экспорт, минтақа, глобаллашув

Аннотация. В статье рассматриваются, что кластерная модель является одной из наиболее важных областей экономики, включая аграрный сектор, в условиях глобализации, роста мировой экономики и усиления глобальной конкуренции за ресурсы и продажи.

Ключевые слова: Национальная экономика, агрокластер, зарубежный опыт, конкурентоспособность, экономика, модернизация, концепция, инновации, экспорт, регион, глобализация.

Annotation. The article considers that the cluster model is one of the most important areas of the economy, including the agricultural sector, in the context of globalization, global economic growth and increased global competition for resources and sales.

Key words: National economy, agricultural cluster, foreign experience, competitiveness, economy, modernization, concept, innovation, export, region, globalization.

Глобаллашув ҳозирги жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади ва ҳар қандай мураккаб ҳодиса сифатида нафақат янги имкониятлар яратади, балки янги хавфларни ҳам келтириб чиқаради. Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакат сифатида рақобатбардош миллий иқтисодиётни шакллантириш орқали ҳозирги ўзгарувчан жараёнларга самарали мослашиши керак.

Шу муносабат билан жаҳон бозорларидаги беқарорлик билан боғлиқ салбий жараёнларни кучайтириш шароитида барқарор ривожланишга ўтиш республика, минтақа ва халқаро миқёсда мамлакат ичидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги даражасини шакллантиришни назарда тутди. Шу боис бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг рақобатбардошлиги ва барқарорлиги масалалари миллий хўжалик назарияси ва амалиётида устувор ўрин тутди. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муваффақиятли стратегияси, биринчи навбатда, реал шароитларни объектив баҳолаш ва иқтисодий тизимнинг рақобатбардошлигини тушуниш учун янги методологик ёндашувларни ишлаб чиқишга боғлиқ. Бозор шароитида турли даражадаги иқтисодий тизимлар фаолиятининг мажбурий омили сифатида рақобатбардошликни тан

олишга асосланган тизимли услубий ёндашув миллий иқтисодиётни модернизация қилишнинг яхлит тизимини яратишга имкон беради. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги ортиб бораётган шароитда юзага келади. Ўзгарувчан дунё тартиби шароитида бундай тенденциялар миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардош устунликларидан фойдаланиш муаммоларини илгари суради.

Кластер ривожланиш назарияси асосчиси М.Портер бўлиб, у турли мамлакатларида 100 тармоқларидан ортиқ рақобат устунликларини ўрганиш орқали бу муаммони ўрганган. М.Портер битта тармоқдаги халқаро миқёсда энг рақобатбардош фирмалар турли ривожланган давлатлар бўйича тизимсиз ёйилган эмас, балки битта мамлакат, ва баъзан ҳатто бир хил ҳудудда тўпланиш хусусиятга эга эканлигини аниқлаган. Бу тасодиф эмас. Глобал бозорда рақобатбардошликка эришиш учун бир ёки бир нечта фирма ўз таъсирини яқин атроф-муҳитга: етказиб берувчиларга, истеъмолчиларга ва рақобатчиларга тарқатади. Ўз навбатида, атроф-муҳитнинг муваффақияти ушбу компаниянинг рақобатбардошлигини янада оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Натижада, "кластер" - бир-бирининг рақобатбардошлигини оширишга ўзаро ҳисса қўшадиган компаниялар жамоаси

шаклланмоқда. Бутун давлат иқтисодиёти учун кластерлар ички бозорнинг ўсиш нуқталари ва экспорт йўналишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётда биринчи бўлиб янги гуруҳлар тез-тез шаклланмоқда ва мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ошиб бормоқда[1].

Энг муваффақиятли иқтисодий тизимлар фаолияти бўйича жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, юқори рақобатбардошлик ва барқарор иқтисодий ўсишни, биринчи навбатда, янги технологияларнинг тарқалишини рағбатлантирадиган омиллар таъминлайди. Бизнинг назаримизда, замонавий рақобат устунликлари ишлаб чиқариш, бошқариш, товарларни сотишни ташкил этиш технологияларининг афзалликлари ҳисобига деярли тўлиқ таъминланаётганлигини ҳисобга олиб, кластер механизми назарияси ва замонавий инновацион ривожланиш тушунчаларидан комплекс фойдаланишда иқтисодий тизимнинг рақобатбардошлигини муваффақиятли ривожлантириш мумкин.

Ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалигида техник ва ижтимоий инқилоби рўй берганлиги билан, яъни агросаноат мажмуанинг шаклланиши ва ривожланиши билан изоҳлаш мумкин. Иқтисодиётнинг аграр секторининг ривожланишига илмий-техник тараққиёти сабаб бўлган, ундаги ижобий ўзгаришлар эса бевосита қайта ишлаш секторининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларни sanoатлаштиришнинг муҳим натижаларидан бирига айланди.

Агросаноат мажмуи ишлаб чиқаришда ва аграр хомашёдан тайёрланган маҳсулотни тақсимлашда у ёки бу тарзда иштирок этувчи тармоқ ва корхоналарнинг вертикал интерациялашган ва мувофиқлаштирилган йиғиндиси сифатида намоён бўлади. У учта асосий секторлардан таркиб топади: аграр сектор учун барча зарур бўлган ресурслар (машина, ўғит, бегона ўт ва зараркунандаларга қарши курашиш учун кимёвий ва биологик воситалар ва бошқалар)ни ишлаб чиқарувчи тармоқлар; қишлоқ хўжалиги ўзи; аграр маҳсулотларни қайта ишловчи ва уни истеъмолчига етказиб берувчи корхоналар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, кластер ташаббусларини муваффақиятли амалга ошириш мисоллари - Дания, Голландия, Белгия, Канада, Финляндия, шунингдек, Жанубий Африка, Франция ва Италия каби давлатлари ҳисобланади[2]. Шу билан бирга,

кластерларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган тажрибадан нусха олиш мумкин эмас. Кластер стратегиясининг самарадорлиги кўп жиҳатдан мамлакат, минтақавий ва тармоқ хусусиятларига асосланган бўлиб, улар рақобатбардош устунлик манбаларига айланади.

Ривожланган давлатларда бевосита қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг улуши 2-3 %ни ташкил этади ва бу кўрсаткич янада камайиш тенденциясига эга. Масалан, 2000 йилда Францияда 3%, Германия ва Буюк Британияда - 1 % аҳоли аграр секторда банд бўлган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ЯИМдаги улуши ҳам юқори эмас. Аммо ушбу кўрсаткичларнинг негизида таркибий инқироз эмас, балки меҳнат унумдорлигининг кескин ошиб бориш тенденцияси ётади.

Шу билан бир вақтнинг ўзида агросаноатнинг бошқа секторларида аҳоли бандлиги нафақат камайиб бормоқда, балки аксинча, ошиб бормоқда, агросаноат секторининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши эса салмоқли кўрсаткичга эга. Масалан, Франция агросаноатида 400 мингта нафар банд бўлган, ушбу соҳада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннарни эса қишлоқ хўжалигининг XXI аср бошига келиб мамлакат ЯИМдан 17%ни ташкил этган.

Агросаноат интеграцияси корхоналар бирлашишнинг янги шакли ҳисобланади. Унинг асосий ўзига хос хусусияти тармоқлар аро тавсифидан иборат. Агросаноат интеграцияси маълум даражада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос тавсифи, хусусан унинг табиий-иқлим омилларига қараб ўзгаришига кўмаклашади. Интеграция жамиятда мустақкам ўрнатилган қишлоқ хўжалиги ва sanoат ишлаб чиқаришнинг бир қатор хизмат соҳа тармоқлари билан ўзаро муносабатларни акс эттиради. Шу билан sanoат хизмат соҳасининг бир қатор тармоқлари ва аҳолини қишлоқ хўжалиги хомашёси ва озиқ-овқат билан барқарор таъминлашга имкон берадиган иқтисодий механизми шаклланади.

Иқтисодиётда интеграция ўзаро узвий узоқ муддатли ишлаб чиқариш ва тижорат алоқалари билан боғланган қишлоқ хўжалиги, sanoат ва хизмат кўрсатиш корхона ва тармоқларнинг ягона тизимини шакллантиришга рағбатлантиради. Уларнинг асосий шакли контрактция туридаги шартнома муносабатлар гавдаланди.

Европа Иттифоқининг “эски” давлатларда агросаноат секторининг ривожланиш даражаси “янги” давлатларга нисбатан юқори. Масалан, Венгрияда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ҳамда балиқчиликнинг улуши мамлакат ЯИМдан 4 % тўғри келади; Латвияда эса қишлоқ хўжалиги 5 % ЯИМни яратади, Литвада 11 % аҳоли қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, улар ЯИМнинг 8 % яратмоқда; Польшада қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ҳамда балиқчиликда 22 % аҳоли банд, улар томонидан 3 % ЯИМ яратмоқда.

Агросаноат секторининг ривожланиши қишлоқ хўжалигини техник таъминоти ҳолати билан бевосита боғлиқ. Масалан, Францияда 1937-1939 йилларда Европа давлатларида иқтисодиётнинг аграр сектори ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, авваломбор ўғитлардан фойдаланишни кўпайтириш ҳисобланади. Бироқ охириги йилларда бир қатор Европа давлатларида ўғитлардан фойдаланиш камайиб бормоқда. Бу “кимёвий моддалар”ни минимал тарзда қўллаган ҳолда етиштирилган экологик соф маҳсулотга бўлган талаб тобора ошиб бориши билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳатдан таъминланганлик даражаси ошиши билан бирга агротехника яхшиланиб бормоқда, чорвачиликда витаминлаштирилган ем-хашаклардан фойдаланиш кенгаймоқда. Овқатланиш рационини такомиллаштириш чорва молларни боқиш муддатларини камайтиради. Ҳозирги шароитда фақатгина ишлаб чиқаришнинг битта жойда тўпланиши ва йирик капиталнинг ролини кучайиши ҳисобига аграр корхоналари ўз фаолият кўрсатмоқда. Бунда аграр кооперацияси ва давлат кўмаги катта аҳамият касб этади.

Европа давлатлари қишлоқ хўжалигида узоқ пайт давомида бозор механизмлари ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмронлик қилмоқда. Бироқ уларнинг аграр секторда ривожланиши бир меъёрда эмас. Охириги пайтда ушбу жараён тезкорлик билан ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш муносабатларнинг такомиллаштиришнинг муҳим омили ишлаб чиқаришни бир жойга тўплаш бўлиб, унда хўжаликларнинг умумий сони қисқариб, йирик корхоналарнинг сони ва уларнинг иқтисодий аҳамияти тобора ошиб кетмоқда.

Йирик қишлоқ хўжалиги корхоналар орасида агроменежерлар деб ном олган корхоналар алоҳида ажралмоқда. Масалан, Францияда ҳозирги кунда 150 минг агроменежер-

лар фаолият кўрсатиб, уларнинг молиявий кўрсаткичлар тобора ошмоқда. Буларга Париж худудига дон хўжалигининг ижарачилари, маркали виноларни ишлаб чиқарувчилари ва йирик чўчқа фермалари эгалари киради. Уларда мамлакатнинг деярли барча қишлоқ хўжалиги ходимлари ишлайди. Ушбу йирик аграр корхоналар дон, ёғ, вино ва бошқа маҳсулотларининг асосий экспорттери бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг салмоқли валюта тушумини тўминлайди. Улар самарадорлигини ошириш усулларини топиш йўлида ишлаб чиқаришни доимий тарзда диверсификация қилмоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари билан узоқ муддатли шартномаларни тузади, иқтисодиёт глобаллашувининг фаол тарафдорлари сифатида намоён бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш кераки, глобаллашув янада кенгайиб бораётган, дунё мамлакатларининг иқтисодиёти ўзаро алоқадорлиги ошиб бораётган, ресурсларга ҳамда сотиш бозорига бўлган глобал рақобати кескинлашиб бораётган шароитда кластер модели иқтисодиётнинг, шу жумладан аграр соҳасининг фаолият кўрсатишнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Кластерларни ташкил этиш ғояси ва унинг кенг татбиқ этилиши[1] жаҳон иқтисодиётида кластерлар инқилобига олиб келди. Европа кластерлар обсерватория маълумотларга кўра Европа Иттифоқи мамлакатларида жами қарийб 2100 кластерлар мавжуд бўлиб, уларда умумий сонидан 38,0 % ишчи кучи ишламоқда. Кластерларнинг умумий сонидан 11,5 % айнан агросаноат соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Бунда шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, 31та Европа давлатларидан 26тасида (ёки 84,0 %) миллий кластер дастурлари мавжуд. Россияда ҳам кластер ёндашуви амалиётда фаол қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 177 кластерлар мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси агросаноат, 4 таси озиқ-овқат соҳасида ташкил этилган.

Кластер моделлари, шунингдек, ривожланаётган давлатларда, масалан, Ҳиндистон ва Бразилияда ҳам муваффақиятли қўлланилиб, уларда 400 дан зиёд кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

1-жадвал

Бир қатор дунё мамлакатларида ресурслар, илмга талаб қилиш даражаси ва кластерларни ташкил этиш ҳамда иқтисодиёт самарадорлиги ўртасидаги ўзаро алоқаси[8]

Қўрсаткичлар, Йиллар	Давлатлар	Бутун дунёда	АҚШ	Япония	ЕИ-27	Улардан:		Россия	Хитой	Ҳиндистон	Бразилия
						Германия	Италия				
Бутун дунё аҳоли сонидagi улуши, %											
2000 й.		100,0	4,7	2,1	7,9	1,4	0,9	2,4	20,8	16,7	2,8
2010 й.		100,0	4,6	1,9	7,4	1,2	0,9	2,1	19,7	17,2	2,9
2020 й.		100,0	4,5	1,7	6,8	1,1	0,8	1,9	18,6	17,6	2,9
Умумий экин майдонидаги улуши, 2010 й., %		100,0	11,48	0,31	7,97	0,85	0,50	8,62	8,00	11,31	5,05
1 киши ҳисобига экин майдонининг улуши, 2010 й., га		0,20	0,51	0,03	0,23	0,15	0,11	0,87	0,08	0,13	0,65
Дунёда ишлаб чиқарилган агросаноат маҳсулот ҳажмидаги улуши*											
2000 й.		100,0	11,75	0,60	14,64	2,30	1,12	2,34	21,16	9,16	4,86
2008 й.		100,0	10,37	0,51	11,84	1,89	0,90	2,36	22,77	9,62	5,70
ЯИМда илм-фанга сарфланган харажатлардаги улуши, %											
2000 й.		2,00	2,72	2,90	1,89	-	-	1,05	1,01	0,95	-
2010 й.		1,95	2,85	3,41	1,69	2,60	-	1,07	1,50	1,00	-
2020 й.		2,17	3,00	3,50	2,00	-	-	1,50	2,00	1,50	-
Кластерларнинг сони, 2014 й., бирл.		3000	380	19	2101	32	200**	25	66	106	300***
Дунё ЯИМ ҳажмидаги улуши, %											
2000 й.		100,0	26,6	10,5	31,6	6,9	4,5	1,7	4,5	1,5	2,6
2010 й.		100,0	24,6	8,6	27,6	5,6	3,6	2,1	8,9	2,3	2,8
2020 й.		100,0	23,3	7,3	24,3	4,9	3,1	2,2	14,0	3,3	2,7
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, минг АҚШ долл.											
2000 й.		7,6	43,2	38,2	30,3	38,9	36,2	5,5	1,6	0,7	6,9
2010 й.		8,8	47,7	40,5	33,1	41,4	35,2	9,0	4,0	1,2	8,5
2020 й.		11,7	61,0	49,7	41,4	52,1	43,6	13,6	8,8	2,2	11,0

Изоҳ: * FAO маълумотлари асосида,

** Саноат ҳудудлари (кластерлари),

***кластерлар технопарклар шаклда фаолият кўрсатади.

Жаҳонда илм талаб қиладиган технологияларнинг кескин ўсиб бораётган шароитида уларнинг охириги ўн йиллик давр ичида ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган давлатларда ЯИМда илм-фанга сарфланган харажатларнинг улуши ҳамда аҳоли жон бошига ЯИМнинг миқдори билан ўзаро алоқадорлиги қайд этилмоқда. Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотлар кўрсаткичлари бўйича АҚШ, Япония ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари етакчи ўринни эгалламоқда. Ҳиндистон ва Бразилияда эса деярли барча кўрсаткичлар паст даражада. Россия ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичлари эса ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида турибди.

Шуни қайд этиш керакки, иқтисодий ўсиш даражасининг ўсиши ва ЯИМда илм-фанга сарфланган харажатлар кластерлаштириш билан ўртасидаги ўзаро алоқаси ва корреляцияси аксарият давлатларда кузатилади[3]. Шу билан бирга ривожланган ғарб давлатлар (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ ва бошқалар) тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, минтақавий ҳамда минтақалараро кластерларни фаол ташкил этиш ва халқаро ўзаро муносабатларини ривожлантириш бизнес ва академик (университет) муҳити ўртасидаги кооперацияси йўли билан амалга оширилмоқда[4]. Хусусан, Францияда кластерлар локал саноат гуруҳлари, университет ва тадқиқот институтлари ўртасида шерикчилик асосида ташкил этилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, йирик, ўрта ва кичик агробизнеснинг кооперация – хўжалик асосида ўзаро алоқа қилишнинг анъанавий шакллардан фарқли улароқ кластер тузилмаси бир қатор иқтисодий афзалликларга эга: кластер ёндошуви кластер иштирокчиларининг ресурсларини депрессив ҳудуд ва тармоқлари бўйича тақсимламай, балки инновацион “ўсиш нуқталари”га йўналтиради; ушбу “ўсиш нуқталари”ининг муваффақиятли ўсиши натижасида инновацияларни жорий этиш ва мавжуд кластерларнинг мавжуд шароитларга тезкор мослашиши учун иқтисодий салоҳият шаклланади.

Интеграциянинг кластерли шакли амалиётда турли ҳил намоён бўлади, аммо у вертикал-интеграциялашган агрохолдингдан (ҳам кластер ичида, ҳам ташқи бозорда рақобатнинг мавжудлиги ва холдинг ичида эркин рақобат йўқлиги билан) ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш тузилмалардан (кластерларда

товарни яратиш занжири янада узунроқ бўлиши билан) туб фарқланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кластерлар ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланмайди ва агрохолдингдан фарқли улароқ (у ерда иштирокчиларнинг мустақиллиги тўлиқ ва қисман йўқолади) кластерга кирган иштирокчилар хўжалик ва юридик мустақиллигини сақлаб қолди. Кластерлар – бу тадбиркорлик муҳитининг алоҳида шакли бўлиб, унга бизнес субъектлари ва ишлаб чиқариш жараёнининг бошқа соҳалари (илм-фан, ҳукумат) билан расмий алоқалар эмас, балки янги кооперацион ёндошув хосдир[5].

Шу туфайли иқтисодиётда кластерли рақобатли ёндошув тадбиркорлик ва бошқа фаолиятини ташкил этишдан тортиб то маҳсулот, иш ёки хизматнинг якуний истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш усулларига эга бўлган бутун сабаб-оқибат занжирини кузатиб бориш имкониятини беради.

Агросаноат кластерларни қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган йўллар орқали, хусусан, объектив асосида – АСМнинг ривожланиши ва ушбу иқтисодиёт секторида ўзаро муносабатлар тизимларини ҳисобга олган ҳолда ва субъектив асосида – давлат ва ҳудудий бошқарув органлари, хўжалик субъектлари ёки жамоат ташкилотларининг мақсадга йўналтирилган ўзаро алоқасига мувофиқ ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Шундай қилиб, аксарият тараққий этган давлатларда агросаноатда кластерлар кенг ривож топган. Кластерларнинг алоҳида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан яқин ва узоқ истиқбол йилларида янгиликларни яратиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш жорий меҳнат унумдорлигидан кўра муҳимроқ ҳисобланади. Кластерга кирган қишлоқ хўжалиги корхоналари бирламчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи (деҳқон ва фермер хўжаликлари) ҳамда харидорларнинг эҳтиёжларини биладиган ҳамда шаклланган ўзаро муносабатларга эга бўлган қайта ишлаш ва савдо корхоналари фаолиятдан даромад олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларида аграр кластерларда иштирок этиши натижасида, шунингдек, янги технологиялар, ишлаш услуги ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб бериш имкониятларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Кластерга кирган қишлоқ хўжалиги

корхоналарининг рақобатли устунликларини шакллантириш учун бозор муҳитидаги ўзгаришларига тезкор ва эгилувчан мослашиш муҳим аҳамият касб этади.

АСМда кластерли тизимлардан фойдаланиш давомида, шунингдек, горизонтал тармоқлар ҳам қарор топади, уларда битта агро-саноат гуруҳи таркибига кирувчи ёки айнан бир хил маҳсулот бозорида иш олиб борувчи йирик ва кичик фирмалар ҳамкорлик қилдилар. Замонавий кластерлар, одатда, бир қанча соҳаларни ва аниқ бир сўнгги маҳсулот яратиш занжирининг муайян бир бўғинида ихтисослашадиган турли-туман фирмаларни қамраб оладиган тармоқ ҳисобланади. Кластернинг хўжалик субъектларининг ишлаб

чиқариш-кооперациялашиш ва бошқа ўзаро муносабатларининг умумий моделидаги яна бир белгиси, яъни маҳсулот ёки хизматларнинг аниқ ифодасини топган етакчи (яхлитлаштирувчи) омили айнан мана шундадир. Кўпинча ушбу тамойил янгитдан яратилаётган, ишлаб турган ва реконструкция қилинаётган корхоналар негизида кластер барпо қилаётган, етакчи инвесторнинг энг муҳим роли сифатида талқин қилинади.

Кичик ва йирик бизнес ўртасидаги кооперацион-хўжалик муносабатларининг одатдаги шаклларида фарқли равишда, агрокластер тизимлари қуйидаги хусусиятлари орқали тавсифланади (2-жадвал).

2-жадвал

Агрокластерларни ривожлантиришнинг ўзига хос томонлари

№	Мазмуни
1.	Бутун тизимнинг узоқ муддатли хўжалик, инновацион ва бошқа стратегияларини белгилаб берувчи етакчи корхонанинг мавжуд бўлиши
2.	Кластер тизимидаги иштирокчи хўжалик субъектлари асосий массасининг ҳудудий маҳаллийлашуви
3.	Хўжалик юритувчи субъектлар – кластер тизими иштирокчилари ўртасидаги хўжалик алоқаларининг барқарорлиги, иштирокчиларнинг катта қисми учун бу алоқалар аҳамиятининг устуворлиги
4.	Тизим иштирокчиларининг ишлаб чиқариш дастурлари, инновация жараёнлари доирасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг давомли мувофиқлиги
5.	Бошқарув, сифат назорати ва бошқа асосий тизимлар

Манба: Илмий адабиётларни умумлаштириш асосида тузилган.

Шу билан бир қаторда, барча мамлакатлар ҳам кластерларни ривожлантириш бўйича ижобий тажрибага эга эмас, масалан, 1994 йилда Португалияда 33 кластер ажратилган бўлса-да, уларнинг барчаси ҳам самарали бўлмади, буни эса ажратиб олинган кластерлар аввал бошданок рақобатбардош эмаслиги ёки бир-бири билан боғланмаган фирмаларнинг оддий тўпламидан иборат экани орқали тушунтириш мумкин. Бироқ шунга қарамай, кўп ҳолатларда кластерлар алоҳида тарқоқ корхоналарга нисбатан рақобатбардошлироқ ҳисобланади.

М. Энрайт томонидан 160 минтақавий кластер ўртасида олиб борилган сўровнома натижаларига кўра, кластерларнинг тахминан 60 % жаҳон ёки маҳаллий етакчилар қаторидан ўрин олгани ва фақат 20 % заиф рақобатбардошликка эга экани маълум бўлди[6].

Ўзбекистонда ҳозирги вақтгача тармоқ кластерлари етарли даражада ривожланмаган эди. Рақобатбардош тармоқлар кластерининг йўқлиги республиканинг миллий устувор томонларини заифлаштирувчи жиддий унсур ҳисобланади. Кўмалашувчи ишлаб чиқаришларнинг мавжуд эмаслиги агротармо-

ғининг маҳаллий корхоналарига жаҳондаги технологик янгиланишлар билан барабар қадам ташлашга имкон бермайди[7].

Агротармоқда кластерини яратишда хомашё олишдан бошлаб, қайта ишлаш ва маҳсулотни сотишгача бўлган бутун технологик занжирнинг юзага келиши натижасидаги синергетик самаранинг шаклланиши, айниқса, катта аҳамиятга эга, бу эса ўз навбатида, тармоқнинг инновацион жозибадорлиги ортишига сабаб бўлади. Ўзбекистон иқтисодиётида кластер сиёсати амалга оширилиши кластер иштирокчиларининг самарали ҳамкорлик қилиши, инновацияларга, технологияларга, ноу-хау, ихтисослашган хизматлар ва юқори малакали кадрларга эга бўлиш ва бошқа имкониятлар кенгайиши ҳисобидан корхоналар рақобатбардошлигининг ўсишига ёрдам беради.

Аграр тармоқлараро кластер мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни фаолиятининг кенглиги, иштирокчиларининг турли-туманлиги ва уларнинг ҳудудий жойлашуви, кластер ичидаги ўзаро муносабатларнинг турлари, шунингдек, ташқи муҳитнинг кластер фаолиятига таъсири орқали аниқлаш мумкин. Кластерни шакллантириш бўйича тад-

бирлар иштирокчиларининг стратегик мақсадлари, лойиҳани амалга ошириш мақсадларида ресурсларнинг қайта тақсимланиши ва институционал муҳитнинг ривожланганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Кластерни шакллантириш бўйича институционал сценарийда маҳаллий бошқарув органларининг минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини амалга оширишга йўналтирилган кластерга оид ташаббусларини рўёбга чиқариш кўзда тутилади.

Агрокластерларнинг шаклланиш босқичлари давомийлиги кўп томонлама ресурсларнинг мавжудлигига, асосий иштирокчиларнинг манфаатдорлик даражасига, институционал муҳитнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, кучли агрокластерларни ажратишнинг қуйидаги алгоритми таклиф этилади:

- товарларнинг истиқболли турларини аниқлаб олиш, яъни минтақадаги аграр корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган истиқболли маҳсулот турлари орасидан маҳсулот экспортида уларнинг улушини таҳлил қилиш асосида;

- аграр тармоғининг рақобатбардош маҳсулотларининг жаҳон бўйича ишлаб чиқариладиган ҳажми ва нархлари динамикасини ўрта ва узоқ муддатли башорат қилиш;

- кластер ядросини ташкил этишга қодир бўлган корхоналарнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаб олиш (истиқболли маҳсулотларни ишлаб чиқариш);

- кластерни ривожлантириш учун зарур ресурсларни белгилаб олиш. Танланган ҳудуд доирасида жойлашган истиқболли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг хомашё, молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш кучлари ва бошқалар билан таъминланганлик даражаси таҳлил этилади;

- инфратузилманинг агрокластер фаолияти учун етишмайдиган элементларини яратиш учун мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш;

- кластернинг муҳим иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар)нинг

ўзаро ҳамкорлик даражасини аниқлаб олиш, истиқболли корхоналар раҳбарлари ўртасида сўровнома ўтказиш асосида кластернинг салоҳиятли иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш даражаси аниқланади.

Агрокластер стратегиясининг самарадорлиги, ўз навбатида, рақобат устунлиги манбаига айланиб борадиган мамлакат, минтақа ва тармоқ хусусиятлари негизига қурилади. Ўзбекистон шароитида ҳудудий тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аграр тармоғининг қуйидаги соҳалари бўйича кластер салоҳиятини баҳолаш зарур: чорвачилик мажмуаси, тўқимачилик, мева-сабзавот ва узумчилик ва ҳ.к. Табиий-иқлим шароитларини эътиборга олган ҳолда, тармоқ хусусиятларига кўра рақобат устунлигига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, экспорт бозорларига, ривожланган инфратузилма тизимига, тадқиқотчилик, кадрлар тайёрлаш базасига, тарихий тажрибага ва кластерлик тузилмасининг бошқа таркибий қисмларига эгадир.

Агрокластер тизими иштирокчиларини индивидуал жиҳатдан кучайтиришнинг уч тизими мавжуд:

- маъмурий мажбурлаш, кучайтиришнинг мазкур тизими бозор иқтисодиёти шароитларига мувофиқ келмайди;

- энг муҳим ходимларни рағбатлантириш тизими. Бундай кучайтириш тизими ходимларнинг фақат маълум қисмини рағбатлантириш имконини беради, қолганларни интеграция жараёнига жалб эта олмайди;

- фаол ташкилий ишлар, мукофотлаш (иш ўрни учун юқори рақобат), очиқ бўлган аниқ индивидуал самарадорлик кўрсаткичлари, очиқлик, эгалланган ютуқлар, фаолият самарадорлигини ошириш ғоялари учун рағбатлантириш схемалари.

Шундай қилиб, энг муҳими мамлакатни кластерли ривожлантиришнинг салоҳиятини баҳолаш билан чекланиб қолмай, балки унинг институционал асосларини ва ўзаро манфатли иқтисодий муносабатларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Манба ва адабиётлар:

1. Портер М. Конкуренция. Перевод с англ. – М., Издательский дом «Вильямс», 2000, - 485 с.
2. Цихан В. Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. – М.: 2003. – № 5.
3. Козлов М.П. Кластерный подход как механизм активизации инновационного развития субъектов агропромышленного производства // Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве. М., 2015, №1(22), с. 24.
4. Щетинина И.В. Перспективы развития агропромышленных кластеров в России // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. М., 2015, №3, с. 51-55.
5. Козлов М.П. Проблемы формирования и становления региональных агропромышленных кластеров в

условиях инновационной экономики. // Стратегия развития АПК и сельских территорий: перспективные идеи и конкурентоспособные технологии. Материалы Международной научно – практической конференции, посвященной 50 - ти летию ФГБНУ ВНИИПТУСХ. – М., «Принт ПРО», 2105. с.380-383.

6. Enright M.J. Survey on the Characterisation of Regional Clusters: Initial Results. Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy. University of Hong Kong, 2000,-21p.

7. Алимов Р., Камилова М., Курбанова Д. Кластерная концепция экономического развития: теория и практика. –Т.: ИЭ АН РУз, 2005. с. 36.

Козлов М.П. Региональные агропромышленные кластеры: методические аспекты формирования и развития в условиях инновационной экономики // Экономика и социум. –М., 2016, №2(21), http://www.iupr.ru/domains_data/files/zurnal_21/Kozlova%20Klaster.pdf

АГРАР СОҶА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИЛМИЙ МАҲСУЛОТИГА НАРХ БЕЛГИЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

**Бабаджанов Абдирашид Мусаевич –
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
мухандислари институти, и.ф.н., к.и.х**

Аннотация. Ушбу мақолада тайёр илмий ишланмаларга нарх белгилаш ва уни товар маҳсулотга айлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари бўйича мушоҳада қилинади. Иқтисодий ислоҳатлар шароитида илмий маҳсулотга нарх белгиланиши уни жорий этишдан олиндиган реал самарадорлик билан белгиланиши лозим, бунда илмий-тадқиқот олиб борувчиларнинг пировард натижага жавобгарлигини оширади. Бундан ташқари илмий янгилик учун шартномавий нарх белгилаш мақсадга мувофиқ эканилиги таъкидланиб, бунда тадқиқот учун харажатлардан келиб чиққан ҳолда эмас, балки, илмий ишланмани фермер ва деҳқон хўжаликлари даласида жорий қилинишидан олинаётган самара асосида белгаланиши эътироф этилган.

Калит сўзлар. Аграр соҳа, илмий таъминот, илмий-тадқиқот, илмий ишланма, илмий маҳсулот нархи, иқтисодий механизм, рағбатлантириш, ривожлантириш, такомиллаштириш, механизм.

Аннотация. В данной статье рассматриваются организационные и экономические аспекты ценообразования на готовые научные разработки и их превращение в товары. В контексте экономических реформ ценообразование на научный продукт должно определяться фактической эффективностью его внедрения, что повышает ответственность исследователей за конечный результат. Кроме того, было отмечено, что целесообразно установить договорную цену на научные инновации, при этом признано, что научная разработка будет определяться не исходя из затрат на исследования, а на основе результатов, полученных от внедрения на полях фермерских и дехканских хозяйств.

Ключевые слова: Аграрный сектор, научное обеспечение, научные исследования, научные разработки, стоимость научных продуктов, экономический механизм, стимулы, развитие, совершенствование, механизм.

Annotation. This article discusses the organizational and economic aspects of pricing for ready scientific developments and their transformation into commodities. In the context of economic reforms, pricing for a scientific product should be determined by the actual efficiency of its implementation, thereby increasing the responsibility of researchers for the end result. In addition, it was noted that it is desirable to set a contractual price for scientific innovation, and it was recognized that this should be determined not on the basis of costs incurred from the introduction of scientific work into the field of farmer and peasant farms, but rather on the basis of efficiency.

Key words: Agrarian sector, scientific support, research, development, cost of scientific products, economic mechanism, incentives, development, improvement, mechanism.

Ҳозирги кунда аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи, илмий таъминот тизимидаги қатор муаммолар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам илмий маҳсулотга нарх белгилаш мураккаб бўлиб бу борада ягона услуб ишлаб чиқилмаган. Аммо, аввалги тизимда ҳам ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо олимларни ҳам, мутахассисларни ҳам қизиқтириб келмоқда ва турли йўналишларда тадқиқот олиб бормоқда.

Яқунланган илмий ишланмага товар маҳсулоти мақомини беришни илмий маҳсулотга тўғри нарх белгиланишини тақозо эта-

ди. Бу ўз навбатида, тадқиқот сифатини кўтариш, тадқиқотчиларнинг жавобгарлигини ошириш ва илмий ишланмани қисқа муддатларда амалиётга жорий этиш имкониятини яратади.

Илмий маҳсулотга нарх белгилаш ўз навбатида илмий маҳсулотга соҳанинг йўналишлари бўйича, нарх белгилаш механизминини ишлаб чиқишни ва нарх белгилаш механизминини турли моделларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Нарх эгилувчан бўлиши айниқса илмий-тадқиқот харажатларини белгилашда ва илмий маҳсулотни истемол-